

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Аниқ ва табиий фанлар**

МАТЕМАТИКА

<b>Ш.Каримов, З.Комилова</b>	
Сингуляр коэффициентли тўртинчи тартибли битта тенглама учун Гурса масаласи.....	6
<b>К.Каримов</b>	
Яримчексиз параллелепипедда учта сингуляр коэффициентга эга бўлган эллиптик тенглама учун чегаравий масалалар .....	11

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

<b>Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова</b>	
Яримўтказгичларда ток ташувчилар эффектив Гамильтониани назарияси хусусида.....	24

КИМЁ

<b>М.Хожиматов, Ф.Абдугаппаров, И.Асқаров, Қ.Отахонов</b>	
М-ферроценилбензой кислотаси билан амигдалин реакциясини ўрганиш .....	28

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

<b>Э.Исаков, Ш.Турдиев</b>	
Болалар орасида бирламчи ногиронлик структурасининг таҳлили.....	33
<b>Ф.Тухтасинов</b>	
Фарғона водийси жанубидаги сабзаёт экинларининг агробиоценозлари орасида тарқалган бегона ўтлардаги бўртма ва бошқа тур паразит фитонематодаларнинг тарқалиши .....	37

**Ижтимоий-гуманитар фанлар**

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>Т.Абдуллаев</b>	
Инсон фаолиятининг ижтимоийлашуви .....	42
<b>Г.Ғаффарова, Б.Қодиров</b>	
Ҳаракатлар стратегияси ва тизимли ёндашув .....	47
<b>М.Каримова</b>	
Инсоният онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар .....	52
<b>А.Музаффаров</b>	
Маданиятлараро мулоқот категорияси тадқиқига фалсафий-герменевтик ёндашув.....	56
<b>А.Қамбаров, Д.Тошалиев</b>	
Бузрук мақомидан Сарахбори бузрук шуъбасининг таҳлили масаласига доир .....	60

ТАРИХ

<b>Т.Эгамбердиева</b>	
1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ўзбек хотин-қизларининг маънавий жасорати.....	66
<b>Ҳ.Холиқулова</b>	
Ўзбекистон ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари: истиқболлари ва уларни ривожлантириш йўллари.....	71
<b>О.Ахмадов</b>	
Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да таълим ва тарбияни замонавийлаштириш учун кураш .....	75

УДК: 371+370/371+65.012.25

2020 ЙИЛ – БХСР ТАШКИЛ ТОПГАНИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ  
РЕСПУБЛИКАСИ (БХСР) ДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ УЧУН  
КУРАШ

БОРЬБА ЗА МОДЕРНИЗАЦИЮ ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ В БУХАРСКОЙ  
НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ (БНСР)

2020 – 100<sup>th</sup> ANNIVERSARY OF THE ESTABLISHMENT OF THE USSR BUKHARA  
PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC (BSSR) STRUGGLE FOR MODERNIZATION OF EDUCATION  
AND TRAINING

О.Ахмадов

**Аннотация**

Мақолада XX асрнинг биринчи чорагида Бухорода таълим-тарбия муаммолари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В данной статье исследованы проблемы образования и воспитания в Бухаре в первой четверти XX века.

**Annotation**

In the present article the sources and literature related to the education and upbringing in Bukhara at the end of the first quarter of the 20<sup>th</sup> century is scientifically analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** манба, манбашунослик, таълим, тарбия, узлуксиз таълим, тадқиқот, мақола, дастур, тизим, анъанавий таълим, мактаб, мадраса.

**Ключевые слова и выражения:** источник, источниковедение, образование, воспитание, непрерывное образование, исследование, статья, программа, система, традиционное образование, школа, медресе.

**Keywords and expressions:** Source, source studies, education, upbringing, continuing education, research, article, program, system, traditional education, school, madrassa.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида таълим-тарбия ва илм-фанни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, рақобатбардош миллий кадрлар тайёрлаш ва бўш ишчи ўринлари яратиш масалалари долзарб қилиб кўйилди. Таълим ва тарбия жараёнларининг узвий боғлиқлиги, инсон мафкуравий иммунитетини юзага келтиришдаги аҳамияти, жамиятнинг барқарор ривожланишидаги ўрни масалаларининг беқиёслиги исбот талаб қилмайди. Ўтмишдаги воқеликларни нуқул бир хил қора бўёқда тавсифлаш услуги эса анаънавийлик тизимига дарз келтиради. Шунингдек, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги алоқадорликнинг йўқолишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев эл-юртимизнинг азалдан қон-

қонида бўлган ақл-заковат, илм-маърифат туфайли заминимизда янги Хоразмийлар, Берунийлар, Улуғбеклар етишиб чиқишига ишонч билдирди. [1,7] Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида, “Шарқ донишмандлари айтганларидек: “Энг катта бойлик – бу ақл заковат ва илм . Энг катта мерос- бу тарбия. Энг катта қашшоқлик – бу, билимсизликдир,” деб таъкидлади. Истиқболдаги улкан вазифаларни бажариш учун ўзбек педагогикасининг тарихий тажрибаси муҳим ўрин тутди. Айниқса, Бухорода асрлар давомида таълим-тарбияда ўзига хос йўналиш ва анъаналар вужудга келиб, улар яшовчан бўлиб қолмоқда. Бухоро Халқ Совет Республикаси даври (1920-1924 йиллар)да замонавий дунёвий таълим-тарбия асосларини яратиш учун кураш бошланди.

Шу туфайли 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тартиби ағдарилганидан сўнг (монархияга қарши тўнтариш), республиканинг дастлабки ойлариданоқ замонавий маориф

О.Ахмадов – БухДУ, педагогика кафедраси ўқитувчиси.

тизимини вужудга келтириш чоралари кўрилди. Бухоро Республикаси раҳбарлари ушбу масалага: «Маориф керак, чунки ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир миллат ва ҳеч бир инқилоб маорифсиз яшамас, ўқимок учун мактаб керак, маориф керак, китоб керак, булар ҳақиқат» [2,52] ақидалари тарзида қарадилар.

БХСРнинг 10 нафардан иборат миллий ҳукумат таркиби жаидлар, яъни тараққийпарвар вакиллардан иборат бўлиб, улар жамият аъзоларини ёппасига саводли қилиш орқали мамлакатни жаҳолат ва қолоқлик ботқоғидан халос қилиш мумкин, деган қатъий фикрга эгалар ва эзгу орзумидларининг рўёбга чиқиш вақти етди, деб ҳисобладилар. Мазкур йўналишда БХСР ҳукуматининг дастлабки йилида ишлаб чиқилган ва «Бухоро ахбори» газетасида [3,10] БХСРнинг биринчи маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965) ва мактаб шўбаси мудирини имзоси остида чоп қилинган «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар» («Қоидалар») [2,17] алоҳида аҳамиятга молик бўлди. Мазкур «Қоидалар» Бухорода амирлик тартиби тугатилганидан уч ой ўтиб, яъни 1920 йилнинг ноябрь ойи охирига ҳафтасида ишлаб чиқилган ва матбуотда босилган тарихий ҳужжат: «Умумий қоидалар», «Таълим-тарбия ишларига оид», «Мактаб идораси ҳайъати вазифаси», «Мактаб шўросининг вазифаси», «Мактаб ходимлари учун категориялар» каби беш бўлимдан иборат. БХСРда таълим тизимини замонавийлаштиришга киришиш ушбу «Қоидалар»ни жорий этишдан бошланди, десак тўғри бўлади.

«Қоидаларда, амирлик замонида мавжуд бўлган эскича таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолининг ёппасига саводини чиқариш масаласи кун тартибига долзарб қилиб қўйилади. Мактаб ишларида: 8-16 ёшли болаларни мактабга жалб қилиш аввало ибтидоий (бошланғич) мактаблар очиш, саводсизликни тугатиш курслари ҳамда муаллим ва мураббийлар тайёрлайдиган махсус ўқув юртларини ташкил этиш кўзда тутилади. Матбуот саҳифаларида «Қоидалар» эълон қилинганидан кейин, бу, кенг жамоатчилик муҳокамасидаги мунозараларга сабаб бўлганди.

Жумладан, «Қоидалар»да бошланғич мактабларда ўқув муддати 7-8 йил давом этиши қайд қилинганди. Кейинчалик бу

масалада мунозаралар кучайиб, «Бухоро ахбори» газетасининг бир қатор сонларида босилган мақола ва билдиришларда ушбу муддатнинг 4-5 йилга камайтирилиши билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов: «Бухоронинг бошланғич мактабларида ўқиш муддатини Бекбой ўртоқ («Бухоро ахбори» мухбирларидан бири-О.А.) 4 йил бўлсун дейдур. Маориф назорати бу масалани обдон қараб чиқиб, 6 ва 7 йиллик эмас, бошланғич ўқиш муддатини 5 йиллик ўлароқ қабул қилган эди», деб ёзганди. [4,56-сон] «Қоидалар»да эски мактабларни ислоҳ қилиш, янги мактабларда таълим-тарбияни йўлга қўйишда вақтинча мадрасада таълим берган муаллимлардан фойдаланиб туриш, қизлар мактабларини ташкил этиш, болалар боғча ва яслиларини очиш, таълим мажбурийлигини жорий этиш, ўқувчиларни ҳукумат ҳисобидан бепул ўқитиш ва мактабда овқатлантириш масалалари санаб ўтилади. «Қоидалар»нинг 1-бўлим 11-бандида: «Мактабларнинг ҳар қайсисида тарбия олмоқ билан бирга, болалар учун мумкин бўлган равишда ош, чой, кийим ҳам берилур», деб [5,10 сон] ёзилганлиги эътиборни тортади. Мактабларда болалар соғлиғини назорат қилиш учун доимий тиббий назорат кўригини ташкил этиш учун махсус тиббий ходим фаолият юритиши кераклиги билан боғлиқ тавсия ҳозирги замон учун ҳам ҳамоҳангдир.

Таълим-тарбияда «болаларни сўкмоқ, урмоқ, жазо бермоқ битирилиб, ўғит-насихат, танбеҳ, ўртак кўрсатиш (ибрат-намуна)» усулларини қўллаш «Қоидалар» матнидан ўрин олган. Таълим «ахлоқий, фаний, сиёсий (мафкуравий)» равишда бўлиши, ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 30-35 тагача қилиб белгиланиши ёзиб қўйилган [6,142]. Назаримизда битта синф ўқувчиларининг сони 35 нафар қилиб белгиланганлиги ўша пайтда мактабларда синф хоналарнинг ёруғлиги ҳамда таълим муассасалари техник базаси бўшлигидан далолат беради. БХСРнинг дастлабки кунларидан босмачилик ҳаракати билан тўқнаш келганлиги, амирликдан қолган иқтисодий таназзул шундай йўл тутишига мажбур қилган. Ҳолбуки, 1909-1914-йилларда Бухоро мактабларида ҳар бир синфда 20-25 ўқувчи таҳсил олганлиги билан боғлиқ маълумотлар келтирилади.

## ТАРИХ

Нима бўлганда ҳам “Қайдлар”нинг ҳозирги замон руҳи билан ҳамоҳанг эканлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, таълимнинг шакллари, таълим-тарбия усуллари, ҳатто бир синфдаги ўқувчилар сони кабилар ҳозирги таълим муассасалари ва ўқув жараёни талабларига ўхшаб кетади. «Қоидалар» билан танишар эканмиз, истиқболда таълим-тарбия тизимида ахлоқ ва маънавий баркамоллик тарбиясига алоҳида эътибор берилганлигига гувоҳ бўлинади. «Мактабларда одоб-ахлоққа жуда аҳамият берилиб, одобсизлик, тарбиясизликлар, тамаки тортмоқ, қимор, ошиқ ўйинлари, бедана ўйнамоқ мактаб болаларига қатъий мумкин эмасдур. Муаллимларга ҳам мактабларда тамаки тортмоқ мумкин эмасдур», деб ёзилади «Қоидалар»да [7,116], 1920 йилларда ўтмиш жамиятдан қимор, ошиқ ўйинлари, бедана уриштириш мусобақалари каби иллатлар сақланиб қолган эди. Катта ёшдаги ўқувчилар тамаки чекиш, носвой чекиш каби салбий жиҳатларни мактаб остонасигача олиб борган эдилар.

Ушбу қатъий “Қоидалар” Бухоро жадидларининг 1908 йил октябрда Саллоҳўжа кварталда очган биринчи жадид мактаби «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») мактабида ҳам амал қилган эди. Мактабда таълим оладиган ёш жадидлар ахлоқий пок бўлиш, вино ичмаслик, ўз сўзида қатъий туриш, маориф ва мактабга садоқат кўрсатиш, шахсий манфаатларидан жамият манфаатларини устун қўйиш каби хислатларга эга бўлиш учун олдиндан қасам ичардилар [8,30]. «Қоидалар»нинг «Мактаб идораси ҳайъати таълимия вазифаси», «Мактаб шўросининг вазифаси» каби бўлимларида маориф тизими раҳбарларининг мактаб ва шуъбалардаги вазифалари баён қилинган. Мактабларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, дарс жадвалларини тузиш ва ўқув жараёнини уюштириш, мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, яхши педагог мутахассисларни танлов асосида ишга қабул қилиш каби кенг миқёсдаги вазифалар раҳбарият зиммасига юкланган. «Мактаб мудирлари мактабни идора қилғонлари учун 25 фоиз ортиқ маош олурлар, хафтасинда 12 соат дарс берурлар», деб ёзилган. «Қоидалар»нинг «Мактаб ходимлари учун категориялар» бўлимида эса ўқитувчи ва мураббийларга маош тўлашда уларнинг

малакаси, маълумоти, иш тажрибасига қараб йўл тутилиши ўтмиш ва замонавийлик ўртасида қандайдир занжирий боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради. «Мактаб ходимларига 3 категория ва 5 даража орасинда мояна берилур, яъни 8000 сўмдан 6000 сўмга қадар маош олиш суммаси пасайиб боради.

1- даража 8000 сўм.

2- даража 7500 сўм.

3- даража 7000 сўм.

4- даража 6500 сўм.

5- даража 6000 сўм.

«Мактаблар ҳақида умумий қоидалар» даги бандлар билан танишар эканмиз, барча миллат вакилларининг таълим олишдаги тенглик ҳуқуқи, миллий тил ва урф-одатларни ҳурмат қилиш, болаларнинг ёш хусусиятларига қараб дарс соатларини белгилаш, ўқувчиларга ёзги, педагог ва ходимларга маошли таътил бериш каби масалаларга атрофлича эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар»даги вазифалар кўлами кенг ва ўша тарихий даврда бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши табиий ҳол эди. «Бухоро ахбори» газетасининг «Қоидалар» эълон қилинганидан кейинги сонларини варақлар эканмиз, бу масалада фикримиз ўз исботини топади. «Маориф ишлари» рукнида берилган хабарларда мактабларда ўқитувчи-мураббийлар етишмаслиги, мактаб моддий-техника базасининг пастлиги, эскилик сарқитидан қутулмаган кишиларнинг фарзандларини мактабга юбормай қўйиши, Бухоро ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлар (босмачилик ҳаракати О.А.) туфайли ўқув жараёни ҳамма вақт ҳам узлуксиз давом этмаганлигидан хабардор бўламиз. «Бухорода ҳозирги кунда очилмоқда бўлган мактабларга етарлик миқдорда ўқитувчилар таъмин этилган эмас, етарлик миқдорда мактаб асбоби: қалам, қоғоз ва бошқа нарсалар ана шу даражада оздур. Туркистон, Ички Русия (Россия), Кавказ (Озарбайжон)дан таклиф қилинган ўқитувчилар моддий аҳволлари яхши эмаслиги туфайли қайтиб кетаяптилар», каби хабарлар босилганди, Бухоро маҳаллий матбуоти саҳифаларида. Мамлакатда иқтидорли маориф ходимларининг озлиги омили, маънавий жиҳатдан баркамол бўлмаган шахсларнинг ўқитувчиликка қабул қилинишига ҳукуматни

мажбур қиларди. Ўқитувчи ва катта ёшли ўқувчиларни ҳарбий хизматдан озод қилиш, уларга имтиёзлар бериш ҳам вазиятни ўнглай олмаган. Шунга қарамай, «Қоидалар»ни ҳаётга татбиқ қилиш учун БХСР ҳукумати: «Ҳар бир куч билим учун», «Барча нарса билим учун!» каби шиорларни ўртага ташлади. Маориф соҳасидаги ишларнинг сифатини кўтариш мақсадида «Бир олсак ҳам ош яхши!» тарзида иш кўришга интилдилар. Маориф тизимида 1921-1922 йилларда бюджет танқислиги сезилса-да, оз бўлса-да амалий ишларни бажариш сари йўл тутилган. «Бухоро ахбори»нинг сонларидан бирида: «Нима нарса керак десак, у нарса йўқдур, топилмас, шунинг учун маориф йўлида ишлаётган ҳар бир иш доираси кичик ҳажмда лозим бўлмоғи кўринадур. Негаким: «Эплай олмас, зўр кўтармас, бу бир қонундур!», деб ёзилганди.

БХСР ҳукумати ўзининг тўрт йиллик тарихи даврида миллатни замонавий тараққиёт даражасига кўтариш учун имкон қадар чора-тадбирларни кўрди. Ҳукумат ички ва ташқи сиёсатида маориф ва фанни ривожлантириш, жаҳонда ўз муносиб ўрнига эгаллаш тамойили сифатида

қаралди. Кўпгина иқтидорли ёшларимизни хорижий мамлакатларга олий ва ўрта махсус касбий таълим олиш учун юборилгани ҳам олий мақсадга қаратилганди.

БХСРнинг дастлабки даврида ноқий ишлаб чиқилган «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар» тарихий ҳужжатида ўзида халқ маорифини юксалтиришга йўналтирилган истиқболдаги вазифалар ҳамда халқ орзу-умидлари акс эттирилган эди. Республикада 1920-1923 йиллар давомида очилган дорулмуаллимин, бошланғич ва ўрта тўлиқсиз мактаблар саводсизликни битириш курслари ҳақида бизгача чоп этилган адабиётларда кўп фикрлар баён қилинган. Бу масалага такроран мурожаат қилишни лозим топмадик. Нима бўлганда ҳам, ҳукуматнинг маориф дастури порлоқ келажакка мўлжалланганди.

Афсуски, совет тузумидаги ноинсоний сиёсат, тоталитар тартиб БХСРнинг ҳукумат субъекти сифатида тугатилишига олиб келди. Миллатимиз жонкуярларининг истиқболли умидлари саробга айланди. Ҳукумат аъзоларининг тақдири эса қаттол сиёсат тўғрисида фожиа билан якун топди.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаати // "Халқ сўзи", 2020 йил 25 январ.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлида қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том I. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018.
3. Бекбой. «Маориф ишлари теграсида». «Бухоро ахбори», 55-сон. 1921 йил, 18 ноябр (араб имлосида, эски ўзбек адабий тилда)
4. Қори Йўлдош. «Маориф ишлари тўғрисида». // «Бухоро ахбори», 56-сон. 1921 йил, 26 ноябр.
5. «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар», // «Бухоро ахбори», 10-сон. 1920 йил 29 ноябр.
6. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат ва маданий ҳаёт – Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2005.
7. Эргашев Б.Х. "Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате". –Т.: "Фан".
8. Азиззода Лазиз. «Ҳамма нарса билим учун» // "Бухоро ахбори" – 30-сон, 1921 йил 5 апрел).

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)